# СИРДАРЁЛИК «ТЕМИРХОНИМ»

## ёхуд орзулари бисёр аёл

Сирдарё вилоят «Союзпечать» агентлиги учун 1984 йил жуда оғир келди. Тармоқдаги қолоқ ташкилотлардан ҳисобланган бу корхонада давлат мулкини ўзлаштириш, талон-тарожлик, ўғрилик ҳолатлари содир этилган эди. Айбдорлар жазоланди. Аммо корхона талабчан, узоқни кўра биладиган ташкилотчи раҳбарга муҳтож эди. Шундай бир мураккаб шароитда Мукамбар Қиличева мазкур идорага бошлиқ этиб тайинланди.

Алоқа соҳасидан тўлиқ хабардор бўлмаган янги раҳбар ишни шарт-шароитни ўрганишдан бошлади. Корхона идораси бисотида алмисоқдан қолган битта стул, стол, деворлари нураб, бўёқлари ўчиб кетган учта хона бор эди, холос. Туманларда аҳвол бундан ҳам ночор эди. Мукамбар ходимлар кайфиятини кўтариб, қулайлик яратилмас экан, ишда олға силжиш бўлмаслигини қалбан ҳис этди. Шу боис ҳам елди-югурди. Қисқа муддатда ишчи-хизматчилар учун зарур бўлган иш шароитини яратди. Корхонани баъзи нопок, қўли эгри кимсалардан тозалади. Бу ишда унга вилоят судида ўн уч йил халқ маслаҳатчиси бўлиб ишлаган вақтида орттирган тажрибаси қўл келди. Икки йил деганда вилоят «Союзпечать» агентлиги республиканинг илғор корхоналари сафига қўшилди...

— Алоқа соҳасида ишлайман деб ҳеч ўйламаган эдим, — дейди биз билан суҳбатда Мукамбар опа. — Асли тошкентликман. Болалигимда шифокор ёки журналист бўлишни орзу қилардим. Онам дўхтирликка рухсат бермагач, Республика хотин-қизлар педагогика билим юртига кириб ўқидим. Меҳнат фаолиятим 1965 йили Тошкентдаги 136-мактабда бошланғич синф ўқитувчилигидан бошланди. Журналист бўлиш орзуим 1966 йили ушалди. Шу йили дорилфунуннинг журналистика бўлимида сиртдан таҳсил ола бошладим. Ўқиш билан бирга 1968 йили Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур) тумани, сўнгра Республика Ёшлар иттифоқида (собиқ комсомол комитети) ишладим. Ташкилотчилик ишларида озми-кўпми тажриба орттирдим.

Тақдир тақозосига кўра Мукамбар опа оиласи билан 1972 йили чўлқуварлар юрти бўлмиш Сирдарёнинг Гулистон шаҳрига кўчиб келади. Вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабида илмий бўлим мудири бўлиб ишлайди.



Сўнгра вилоят радиоэшиттириш ва телевидение қўмитасида азалий орзуси — журналистика билан шуғуллана бошлайди. Саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Эл назарига тушди, танилди.

1992 йили Мукамбар Қиличева янги ташкил қилинган Сирдарё вилоят Давлат почта алоқа корхонасига бошлиқ этиб тайинланди. Ўша йили электралоқа корхонасидан ажралиб чиққан ушбу корхона 1 миллион сўмга яқин зарар кўрганди. Янги раҳбар корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, қўл остидаги минга яқин ходимларни ижтимоий ҳимоялаш биринчи галдаги вазифа эканлигини яхши тушунарди.

Самараси кам бўлган Ховос, Сирдарё почта алмашув пунктлари Гулистон почта алмашув пунктига қўшилиб, йириклаштирилди. Натижада бажарилаётган ишларда назорат кучайтирилиб, бекорга сарфланаётган маблағлар тежалиши ва ишда унум бўлишига эришилди. Шунингдек, корхона раҳбари ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳридан газета-журналларни саралаш учун махсус столлар олиб келди. Гулистон саралаш пунктини янги бинога кўчириб ўтказди.

Олдинлари газета-журналлар Тошкентдан автомашинада олиб келинарди. Бир нечa киши шу иш билан банд эди. Транспорт харажатларига жуда кўп маблағ сарф бўларди. Яқинда бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилди. Газета-журналлар эндиликда Тошкент-Ховос электропоездида олиб келиняпти. Бу билан ҳам вақтдан ютиляпти, ҳам корхонанинг минг-минглаб маблағи тежаб қоляпти.

Корҳона жамоасининг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг меҳнатини енгиллатиш йўлида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар жума куни аёллар иш вақти бир соатга қисқартирилган. Ҳомиладор аёлларга эса алоҳида имтиёзлар берилган.

— Аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида вилоят бўйича сўров ўтказдик, — дейди М. Қиличева. — Сўровномамизда мижозлардан почта хизматидан олинадиган таъриф, почта бўлимлари жойлашган манзил ва иш тартиби ҳамда почта алоқасини сифатли ташкил этиш учун қандай таклиф, мулоҳазалар борлиги сўралган эди. Вилоятнинг 9 та туман ва 3 та шаҳрида ўтказилган сўровда 734 киши қатнашиб, уларнинг 70 фоизи почта тўловлари қимматлигини, 4 фоизи почта бўлимлари ишини кечки пайтга кўчиришни, 80 фоиз мижозлар эса МДҲ ҳамда хорижий давлатлар нашрларига обуна уюштириш лозимлигини айтишди.

Корхонада давлат тилига қандай аҳамият берилаётгани билан қизиқдим. Мукамбар опа муддаомни билгач, юзларида ним табассум зоҳир бўлди ва қуйидаги воқеани ҳикоя қилди:

— ТошДУнинг журналистика факультетида ўқиб юрган кезларим «Тошкент оқшоми» газетасининг 1967 йил 21 март сонида «Она тилимизни унутмайлик» сарлавҳали мақолам эълон қилинди. У даврларда тилимизга муносабат яхши эмас эди. Турли хил гаплар, тазйиқлар бўлди. Тўғриси, ўзим ҳам анча вақт тушкун кайфиятда юрдим. Бир куни таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор мени ҳузурларига чақириб, «Баракалла қизим, қани энди ўзбекнинг барча фарзанди сендек ўз тилини эъзозласа» дея далда бердилар. Атоқли ёзувчимиз Мирзакалон Исмоилий ҳам «Одамийлик қиссаси» китобига ушбу мақоладан парча киритганлари мени руҳлантириб юборди. Ўшанда эзгу ният қилган эканман, мана ўзбек тилига давлат мақоми берилди, миллий қадриятларимиз тикланмоқда...

Корхонада мутахассислар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилаётир. Жорий йилда корхонанинг йигирма нафар ёшлари алоқа коллежида таҳсил олиб соҳа мутахассислиги бўйича диплом олади. Келгусида яна 10 киши ўқишга юборилади.

Мукамбар опа ўзига ҳам, ходимларга ҳам талабчан раҳбар.

— Ишга олинаётган ходимнинг алоқа соҳасини қандай тушунишига аҳамият бераман, — дейди опа. — Почтага бирор юмуш билан келган кишининг ҳожатини чиқаришни шарт қилиб қўйганман. Хизмат билан келган кишига эътибор берилмаса, у яна шу остонага қайтиб қадам қўядими? Йўқ. Мақтанишга йўймангу, ишимизнинг ривожида мана шу шарт ҳам муҳим омил бўлаётир.

— Ажойиб раҳбаримиз борда, — дейди ходимлар бўлимининг етакчи муҳандиси Ойшахон Аҳмедова. — У кишини ҳазиллашиб «Темирхоним» деймиз. Вилоят раҳбарлари ҳам Мукамбар опани бежиз оловга ўхшатишмаган. Бир иш бошладиларми, охирига етказмасдан қўймайдилар. Кўнглимизда нима кечаётганини сезиб, шунга қараб иш юритадилар. Муҳими — одамлар билан ишлашни биладилар.

Мукамбар опа уч фарзанднинг меҳрибон онаси. Катта қизи Дилфуза иқтисодчи, Маҳмуда Сирдарё Давлат дорилфунунида инглиз тили мутахассислиги бўйича таълим олмоқда. Ўғли Умиджон Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида ўқийди.

Мақоламиз қаҳрамони жамоат ишларида ҳам фаол. У Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг аъзоси ҳамдир.

— Турли вазифаларда ишлашимга тўғри келди, — дейди Мукамбар опа. — Аммо барибир аёлнинг бахти — унинг мустаҳкам қўрғони бўлган оилада. Ҳаёт менга оналик бахтини туҳфа этган. Фарзандларимни энг бебаҳо бойлигим деб ҳисоблайман. Ишдаги ютуқларим эса қизиқишларимнинг маҳсули. Ҳали ҳаётда рўёбга чиқмаган орзуларим кўп...

**Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Хабар»нинг махсус мухбири**

# НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК



Шаҳрисабз шаҳар почта алоқа боғламаси бошлиғи Ботир Эргашев билан суҳбатлашар эканман, хаёлимдан бир фикр кечди. Ҳозирги бозор иқтисоди қийинчиликлари даврида катта бир жамоага бошчилик қилиш осонми? Бу раҳбардан катта сабр-тоқат, изланиш, машаққатли меҳнат талаб қилади. Ундан ташқари, одамлар кўнглига йўл топа билиш, уларнинг оғирини енгил қила олиш ҳам осон эмас.

Ботир ака тажрибали раҳбарлардан. У киши иш фаолиятини 1960 йилда киномеханикликдан бошлади. 1965 йилда Тошкент Электротехника алоқа институтига ўқишга кириб, уни 1973 йилда тугатди. 1973 йилда Шаҳрисабз алоқа боғламасига бошлиқ, 1983 йилдан Қашқадарё вилоят алоқа боғламасида бошлиқ муовини, 1986 йилдан Яккабоғ алоқа боғламасида бошлиқ, 1993 йилдан бери яна Шаҳрисабз шаҳри почта алоқа боғламасида бошлиқ лавозимида ишлаб келяпти.

Шаҳрисабз шаҳар почта боғламасининг 6 та шаҳар ва туман аҳолисига хизмат қиладиган 22 та бўлимлари бор.

Ботир ака қўли остида ишлайдиган 132 кишининг қувончу ташвишини жуда яхши билади. Уларга қўлидан келганча ёрдам беради. Негаки, ходимларнинг кўнгли хотиржам бўлса, иш унумли, эл-юрт ҳам кўрсатилган хизматдан рози бўлади.

Шунинг учун ҳам ишчи-хизматчиларга доимий равишда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳар йили 15-20 тонна картошка, пиёз, ва бошқа маҳсулотлар етиштириб, арзон нархда сотилмоқда. Байрамларда, ҳар чорак якунланганда мукофотлар, ҳамда тушлик қилишлари учун ҳам жамғармадан пул ажратилган. Янги ошхона ва чойхона биноларн қуриляпти. Боғламада илғор ходимлар ҳам талайгина. Алоқа бўлимлари бошлиқларидан У. Олтибоев, Л. Каримов, Х. Эрматов, Э. Кузловлар, почтачилардан Л. Ҳақбердиева, Н. Латипов, Б. Раҳмонов, С. Жабборовларнинг номини фахр билан тилга олиш мумкин.

Ботир ака ва жамоа аъзоларини ўйлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмас экан. Масалан, нақд пул кам бўлганлиги сабабли нафақахўрларга нафақаларини тўлиқ етказиб бера олишолмаяпти. Б. Эргашев раҳбарлик қилаётган корхона ишини тўғри йўлга қўйиб, ҳалол, виждонан ишлаганлиги учун 1981 йилда «Халқлар дўстлиги» ордени, бир неча маротаба вилоят, шаҳар, туман ҳокимлиги томонидан Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Корхона раҳбари билан узоқ суҳбатлашдим. Гурунгимиздан шуни англадимки, Шаҳрисабз шаҳар почта алоқачиларининг ниятлари улуғ — халққа кўнгилдагидек хизмат қилишдир.

**Ғ. ҚОБИЛОВ**

• Расмий жавоб

# ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Газетанинг 1995 йил 18 август сонида эълон қилинган Х. Муқимовнинг «Қачонгача лақиллатишади?» сарлавҳали танқидий мақоласи Миробод туман алоқа тармоғида муҳокама қилинди.

Ҳақиқатан, мақола муаллифининг ногиронлиги инобатга олиниб, 1995 йил май ойида телефон ўрнатишга рухсат берилган эди. Бироқ кабел линияси бўйича бўш йўналиш йўли йўқлиги сабабли бунинг имкони бўлмагач, бу ҳақда Хайриддин Муқимовга хабар қилинган эди.

Яқинда кабел линияси бўйича янги йўналиш очилиб, Х. Муқимовнинг талабини қондиришга имкон туғилди. Ҳозир унинг хонадонидаги 54-57-77 рақамли телефон ишламоқда.

**К. АЗИМОВ,**
**Миробод туман алоқа тармоғи бошлиғи вазифасини бажарувчи**

# ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғига кўра Шомансур Шоюсупович ОБИДХЎЖАЕВ Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи этиб тайинланди.

Ш. Ш. Обидхўжаев 1960 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти олий — 1984 йили Тошкент Электротехника алоқа институтини битирган. Меҳнат фаолиятини 1984 йили Тошкентдаги 35-АТСда муҳандисликдан бошлаган. 1991-1993 йиллари собиқ Ленин тумани телефон тармоғи бошлиғи ва 1993-1994 йилларда Тошкент шаҳар телефон тармоқларининг Миробод тумани телефон тармоғи бошлиғи вазифасида меҳнат қилган.

Ш. Обидхўжаев 1994-1995 йиллари Алоқа вазирлигида республика электралоқа корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш бўлимининг бошлиғи эди.

